

БЮДЖЕТДАН МАБЛАҒ ОЛУВЧИ ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАРГА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, УНДАН ФЙДАЛАНИШ ВА ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМА № 536

«05» январ 2022 й.

Қарши шаҳар.

Қарши шаҳар Электр тармоқлари, (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг _____ Низоми _____ (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи _____ (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Вилоят Фтизиатрия ва пульмонология Маркази (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг низоми (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош врач А.Обилов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОҲИЯТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофиқ уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб беришни ўз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1-иловасида белгиланган қувватдаги электр энергиясини қабул қилиб олиш ва илова қилинадиган жадвал асосида бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тулашни уз зиммасига олади.

1.2. Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган ҳолда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга ҳақлидирлар.

1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик ҳажми 99999,9 кВт.с ташкил қилади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига етказиб беришни; (2-илова)

б) электр тармоқларининг баланс бўйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома (3-иловага асосан) ва стандартларда белгиланган миқдорда сақлашни;

в) электр энергияси истеъмолининг ойлик шартномавий миқдорини чораклик миқдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1 чи ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) қайта тақсимланишини "Таъминотчи"дан талаб қилишга ҳақлидир.

г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофиқ булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хохишига кўра;

муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофиқ булмаган ҳолда етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни ва ҳақини тулашни рад этишга

г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани қопланишини талаб қилишга ҳақлидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

а) Ҳисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги бўйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолнинг ҳисобга олиниши бўлиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);

б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш;

в) электр энергиясини истеъмол қилишнинг урнатилган тартибига риоя қилиш ҳамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини ҳисобга олиш асбобларидаги носозликлар ҳақида "Таъминотчи"га хабар бериш;

г) реактив энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг иш режимига риоя қилиш шартноманинг 4-иловасига мувофиқ;

д) истеъмол қилинадиган электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари ва улардаги тамғаларнинг бутлиги ва сақланишини таъминлаш;

е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг ҳуқуқлари:

а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли ҳақини тулашини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширишни;

б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофиқ етказиб берилган электр энергиясини қабул қилишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни "Истеъмолчи"дан талаб қилишга ҳақлидир;

в) унинг вакили тегишли амал қилиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд бўлганда электр ҳисоблагичларни куриб текширади;

г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион ҳисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувидан утказмайди ҳамда: ЎЗР Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Қарорига мувофиқ уларни замонавий электрон ҳисоблагичларга алмаштирилишини талаб қилади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

а) қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларини ўз муддатда бажарилишини таъминлаш;

б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатилган миқдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;